FARG’ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 9 - noyabr 349-11-164-Q/22 Furqat tuman hokimligi

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламлари, 2013 йил, 41-сон 543-модда) ва “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон*) Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрь кунидаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли Қарорига асосан туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни 2023 йилда ишга жойлаштириш учун иш жойларини энг кам миқдорини белгилаш, захирага қўйиш ҳамда қўшимча иш жойлари яратиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

қарорига ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилотлар — иш берувчиларга ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (кейинги ўринларда мухтожлар деб аталади)ни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захирага қўйиш мажбурияти юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ҳамда уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, 2023 йилда муҳтожлар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

3. “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига кўра қуйидаги асосий тушунчалар маълумот учун қабул қилинсин:

одам савдоси қурбони — мажбурий меҳнат ёки хизматлардан, қуллик ёки қулликка ўхшаш урф-одатлардан, бошқа шахс томонидан фоҳишабозликда эксплуатация қилишдан ёки шаҳвоний эксплуатация қилишнинг бошқа шаклларидан, эрксиз ҳолатдан ёхуд инсоннинг органлари ва тўқималари олиб қўйилишидан жабрланган шахс;

ногирон — жисмоний, ақлий, психик ёки сенсор (ҳиссий) бузилишлар мавжудлиги оқибатида ҳаёт фаолияти чекланиши муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб эътироф этилган ва ижтимоий ёрдам ва муҳофазага муҳтож бўлган шахс;

пенсияолди ёши — эркаклар учун 58 ёшдан 60 ёшга тўлишгача ва аёллар учун — 53 ёшдан 55 ёшга тўлишгача пенсияга чиқишдан олдинги ёш;

иш ўринларини захирага қўйиш — ташкилот (иш берувчи) томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун ўз маблағлари ҳисобига ташкил этилган иш ўринлари;

иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш — ижтимоий

муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун ташкилотнинг рўйхатдаги ўртача ходимлари сонининг фоизларида туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорлари билан белгиланадиган иш ўринлари сони.

4. Мухтожлар учун захирага қўйилган иш ўринларига қуйидаги талаблар белгилансин:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун — уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун — меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун — уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун — уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун — уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари

характерли талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шароитларини таъминлайдиган иш ўринлари.

5. Мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ муҳтожлар учун захирага қўйилган корхона ва ташкилотлари (кейинги ўринларда иш берувчилар деб аталади):

- йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилиши ва тайёрлигини таъминлаш, шунингдек бу ҳақида туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ахборот беришлари;

- ҳар ойида хисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисидаги ахборотни тасдиқловчи хужжатларини илова қилган холда тақдим этишлари шарт;

6. Иш берувчилар томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида аҳборот тақдим этмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги ҳамда муҳтожларни Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг йўлланмаси асосида захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш ташкилот томонидан асоссиз рад этилиши ташкилот мансабдор шахсларининг қонун хужжатларида белгиланган жавобгарлигига олиб келишлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

7. Муҳтожлар учун захирага қўйилган иш ўринлари ишга жойлаштириш ташкилотлар томонидан туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилиши инобатга олинсин.

8. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш масалалари бўйича туман ҳокимларининг қарорлари бажарилиши устидан назорат қилиш ҳамда беш кун муддатда иш берувчи ташкилот раҳбарлари эътиборига етказиш вазифаси юклатилсин.

9. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Б.Абдуллаев), туман ишчи гуруҳига:

- **йил якунига қадар** - иш берувчилар томонидан иш ўринларини захирага қўйилганлиги тўғрисида маълумотни;

- **ҳар ойнинг 10 санасига қадар** - иш берувчилар томонидан муҳтожларни ишга қабул қилиниши бўйича маълумотни ҳамда мазкур қарорни бажармаган иш берувчи ташкилот мансабдор шахсларига жарима солинганлиги тўғрисида умумлаштирилган ахборотларни юбориш вазифаси юклатилсин;

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2019-Б сонли буйруғига (АВ рўйхат рақами №3163, 31 март 2019 йил) мувофиқ, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам иш ўрнидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - режадан ортиқ қабул қилинган ҳар бир ҳодим учун 12 ой давомида ҳар ойда ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида субсидия тўлаб берилиши инобатга олинсин.

11. Ушбу қарор “Навбахор” рўзномасининг навбатдаги сонида расмий эълон қилинсин ҳамда туман хокимлиги Ахборот хизмати (У.Бозоров) ҳокимлик веб-сайтига 3 кунлик муддатда жойлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрь кунидаги 965-сонли қарорининг 2-бандига асосан комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарорига мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини яратиш бўйича туман ҳокими қарорининг бажарилмаганлиги учун шахсан жавоб бериши қайд этилсин.

14. Мазкур қарор ижроси устидан назорат туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Орипов зиммасига юклансин.

Tuman hokimi **J.Jumanov**

Furqat tuman hokimining
2022 yil 9 noyabrdagi
349-11-164-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ҳамда уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

1	М.Орипов	– Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари	– раҳбар
2	Б.Абдуллаев	– Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директор ўринбосари - ишга жойлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи	– котиб
3	А.Аъзамов	– туман ҳокимининг ўринбосари	– аъзо
4	З.Алихаджаева	– туман ҳокимининг ўринбосари	– аъзо
5	М.Ортиқов	– туман Халқ таълими бўлими бошлиғи	– аъзо
6	Д.Қодирова	– туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи	– аъзо
7	М.Эргашев	– туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи	– аъзо

Furqat tuman hokimining
2022 yil 9 noyabrdagi
349-11-164-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Туманда 2023 йилда муҳтожлар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати

Т/р	Туманлар номи	Ташкилот СТИРи	Топшириқ белгиланган корхона номи	Уларда ишловчилар сони	Банд қилинган иш ўринлари сони		шу жумладан:							
					Жами	шу жумладан, ногирон-лар учун	14 ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналарига	Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар, «Меҳрибонлик» уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари	Муддатли харбий хизматдан бўшатилганлар	Ногирон-лар учун	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун	Жазони ўташ муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун	Одам савдоси қурбони учун	Атрофдагилар учун хавф тугдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун
1	Фурқат тумани	207088046	10-MTM	45	2	1		1		1				
2	Фурқат тумани	206892338	10-umumiy o'rta ta'lim maktabi	66	3	2		1		2				
3	Фурқат тумани	207041460	11-MTM	35	1	0		1						
4	Фурқат тумани	206896459	11-umumiy o'rta ta'lim maktabi	60	3	1		1		1		1		
5	Фурқат тумани	207081508	12-MTM	28	1	0		1						
6	Фурқат тумани	207195214	12-sonli bolalar musiqa va san`at maktabi	55	2	1		1		1				
7	Фурқат тумани	206895285	12-umumiy o'rta ta'lim maktabi	73	3	1		1		1		1		
8	Фурқат тумани	207080912	13-MTM	35	1	0		1						
9	Фурқат тумани	203283622	13-umumiy o'rta ta'lim maktabi	110	6	1	1	2	1	1		1		
10	Фурқат тумани	207041484	14-MTM	24	1	1				1				
11	Фурқат тумани	206895239	14-umumiy o'rta ta'lim maktabi	74	3	1		1		1		1		
12	Фурқат тумани	207081784	15-MTM	28	1	0		1						
13	Фурқат тумани	206892321	15-umumiy o'rta ta'lim maktabi	85	5	2	1	1		2		1		
14	Фурқат тумани	207081776	16-MTM	39	1	0		1						
15	Фурқат тумани	203283639	16-umumiy o'rta ta'lim maktabi	101	7	2	1	2	1	2		1		
16	Фурқат тумани	207088007	17-MTM	29	1	0		1						
17	Фурқат тумани	203283646	17-umumiy o'rta ta'lim maktabi	68	3	1		1		1		1		
18	Фурқат тумани	203283607	18-umumiy o'rta ta'lim maktabi	69	3	1		1		1		1		
19	Фурқат тумани	207081318	19-MTM	51	2	1		1		1				
20	Фурқат тумани	207041453	1-MTM	23	1	1				1				
21	Фурқат тумани	206896466	1-umumiy o'rta ta'lim maktabi	109	7	1	1	2	1	1	1	1		
22	Фурқат тумани	207088061	20-MTM	27	1	0		1						
23	Фурқат тумани	203283654	20-umumiy o'rta ta'lim maktabi	62	2	1		1		1				
24	Фурқат тумани	207088022	21-MTM	22	1	1				1				
25	Фурқат тумани	203283599	21-umumiy o'rta ta'lim maktabi	90	6	3	1	1		3		1		
26	Фурқат тумани	207081285	22-MTM	30	1	0		1						
27	Фурқат тумани	203283661	22-umumiy o'rta ta'lim maktabi	66	3	1		1		1		1		
28	Фурқат тумани	207081752	23-MTM	28	1	0		1						
29	Фурқат тумани	206892353	23-umumiy o'rta ta'lim maktabi	42	2	1		1		1				
30	Фурқат тумани	206887643	24-umumiy o'rta ta'lim maktabi	62	2	1		1		1				
31	Фурқат тумани	207080896	25-MTM	33	1	0		1						

32	Фуркат тумани	206892345	25-umumiy o'rta ta'lim maktabi	43	2	1		1		1				
33	Фуркат тумани	207088860	26-MTM	46	2	1		1		1				
34	Фуркат тумани	203283678	26-umumiy o'rta ta'lim maktabi	81	4	1	1	1		1		1		
35	Фуркат тумани	207081586	27-MTM	24	1	1				1				
36	Фуркат тумани	203283685	27-umumiy o'rta ta'lim maktabi	94	4	1	1	1		1		1		
37	Фуркат тумани	207084083	28-MTM	23	1	1				1				
38	Фуркат тумани	203283693	28-umumiy o'rta ta'lim maktabi	95	5	2	1	1		2		1		
39	Фуркат тумани	207080904	29-MTM	24	1	1				1				
40	Фуркат тумани	206892314	29-umumiy o'rta ta'lim maktabi	55	2	1		1		1				
41	Фуркат тумани	207081562	2-MTM	32	1	0		1						
42	Фуркат тумани	206890980	2-umumiy o'rta ta'lim maktabi	89	5	2	1	1		2		1		
43	Фуркат тумани	207014422	30-MTM	38	1	0		1						
44	Фуркат тумани	206892360	30-umumiy o'rta ta'lim maktabi	34	1	0		1						
45	Фуркат тумани	207041477	31-MTM	25	1	1				1				
46	Фуркат тумани	206904842	31-umumiy o'rta ta'lim maktabi	51	2	1		1		1				
47	Фуркат тумани	207088039	32-MTM	22	1	1				1				
48	Фуркат тумани	206896442	32-umumiy o'rta ta'lim maktabi	35	1	0		1						
49	Фуркат тумани	206890973	33-umumiy o'rta ta'lim maktabi	58	2	1		1		1				
50	Фуркат тумани	207081579	34-MTM	26	1	0		1						
51	Фуркат тумани	207081301	35-MTM	26	1	0		1						
52	Фуркат тумани	206975573	35-umumiy o'rta ta'lim maktabi	58	2	1		1		1				
53	Фуркат тумани	207041492	36-MTM	36	1	0		1						
54	Фуркат тумани	206895246	36-umumiy o'rta ta'lim maktabi	77	3	1		1		1		1		
55	Фуркат тумани	207089052	37-MTM	24	1	1				1				
56	Фуркат тумани	207306042	37-umumiy o'rta ta'lim maktabi	46	2	1		1		1				
57	Фуркат тумани	207082134	3-MTM	21	1	1				1				
58	Фуркат тумани	206895278	3-umumiy o'rta ta'lim maktabi	58	2	1		1		1				
59	Фуркат тумани	305502644	40-MTM	24	1	1				1				
60	Фуркат тумани	305502676	41-MTM	23	1	1				1				
61	Фуркат тумани	305501495	42-MTM	23	1	1				1				
62	Фуркат тумани	305516437	44-MTM	26	1	0		1						
63	Фуркат тумани	305502810	45-MTM	21	1	1				1				
64	Фуркат тумани	207309806	49-MTM	22	1	1				1				
65	Фуркат тумани	207088014	4-MTM	29	1	0		1						
66	Фуркат тумани	206896474	4-umumiy o'rta ta'lim maktabi	105	7	1	1	2	1	1	1	1		
67	Фуркат тумани	207309814	50-MTM	24	1	1				1				
68	Фуркат тумани	207312732	51-MTM	25	1	1				1				
69	Фуркат тумани	207080889	5-MTM	25	1	1				1				
70	Фуркат тумани	206895254	5-umumiy o'rta ta'lim maktabi	59	2	1		1		1				
71	Фуркат тумани	207081744	6-MTM	31	1	0		1						
72	Фуркат тумани	206895293	6-umumiy o'rta ta'lim maktabi	62	3	1		1		1		1		
73	Фуркат тумани	206895261	7-umumiy o'rta ta'lim maktabi	50	2	1		1		1				
74	Фуркат тумани	206896434	8-umumiy o'rta ta'lim maktabi	70	3	1		1		1		1		
75	Фуркат тумани	203283614	9-umumiy o'rta ta'lim maktabi	80	3	1		1		1		1		
76	Фуркат тумани	207124515	BARKAMOL AVLOD bolalar markazi	51	2	1		1		1				
77	Фуркат тумани	204511194	Furqat obodonlashtirish boshqarmasi	176	13	2	2	2	1	2	2	3	1	
78	Фуркат тумани	207002421	Furqat Pedagogika Kolleji	41	2	1		1		1				
79	Фуркат тумани	200201646	Furqat tuman madaniyat bo'limi	32	1	0		1						
80	Фуркат тумани	207141749	Furqat tuman sport maktabi	54	2	1		1		1				
81	Фуркат тумани	306676673	Furqat tumani axborot-kutubxona markazi	25	1	1				1				
82	Фуркат тумани	205285451.	Furqat tumani kasb-hunar maktabi	104	6	1	1	2	1	1		1		
83	Фуркат тумани	200201701	Furqat tumani Sanitariya-E O va J Si bo'limi	72	3	1		1		1		1		
84	Фуркат тумани	200201274	Furqat yo`llardan foydalanish korxonasi	75	7	2	1	1	1	2	1	1		
85	Фуркат тумани	200201685	Tuman tibbiyot birlashmasi	1696	65	31	2	14	4	31	7	5	1	1
				5935	261	103	16	85	11	103	12	31	2	1

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарорига асосан ташкилотнинг умумий ходимларининг ногиронлар учун 3 % ортиқ белгиланмаган.

Furqat tuman hokimining
2022 yil 9 noyabrdagi
349-11-164-Q/22-son qaroriga
3-ilova

Ташкилотнинг номи:

_____ _____

Юридик манзили:

_____ _____

20___ йил «___» _____ ойи учун ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захирага қўйиш тўғрисида
МАЪЛУМОТ

1. Фурқат туман ҳокимининг қарорига мувофиқ назарда тутилган ҳисобот йилида захирага қўйиладиган иш ўринлари, шу жумладан, ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари сони.

2. Захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштирилганлар сони:

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар сони	**Ҳисобот даври охиридаги ҳолати бўйича ишламоқда (киши)**	**улардан ишга жойлаштирилганлар**	
		ҳисобот ойида	**йил бошидан бошлаб**
Жами:			
шу жумладан:			
ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар			
умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари			
сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар			
ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар			
жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар			
одам савдоси қурбонлари			

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун бўш иш ўринлари сони, ҳисобот даври охирига _____ иш ўринлари.

Ташкилотнинг раҳбари _____ (имзо)

Кадрлар бўлими бошлиғи (инспектор) _____ (имзо)